

The Role of Social Networks in The Origin of Public Protests

Hasanov Boburjon Khakimovich

Independent Researcher of the Academy of Public Policy and
Administration under the President of the Republic of Uzbekistan
sherzodxamrayev1990@gmail.com



Abstract

This article describes the importance and role of social networks in the origin of public protest, its management and wide coverage, and the cases that took place in this direction in the countries of the world.

Keywords: Public, crisis, uprising, protest, crowd, internet, social network, public sentiment, political-social situation, politics.

Introduction

**ЖАМОАТЧИЛИК НОРОЗИЛИКЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИДА ИЖТИМОЙ
ТАРМОҚЛАРНИНГ РОЛИ**

**РОЛЬ СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ В ВОЗНИКНОВЕНИИ ОБЩЕСТВЕННЫХ
ПРОТЕСТОВ**

Хасанов Бобуржон Хакимович

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат сиёсати ва бошқарув Академияси

мустақил изланувчиси

sherzodxamrayev1990@gmail.com

Аннотация:

Ушбу мақолада жамоатчилик норозилигининг келиб чиқишида, уни бошқарилишида ва кенг ёритилишида ижтимоий тармоқларнинг салмоғи ҳамда роли, ушбу йўналишда жaxon мамлакатларида бўлиб ўтган ҳолатлар баён қилинган.

Таянч сўзлар: жамоатчилик, инқироз, кўзғалон, норозилик, оломон, интернет, ижтимоий тармоқ, омма кайфияти, сиёсат-ижтимоий вазият, сиёсат.

Аннотация:

В данной статье описывается значение и роль социальных сетей в возникновении публичных протестов, их организации и широком распространении, а также случаи, произошедшие в этом направлении в странах мира.

Ключевые слова: общественный, кризис, восстание, протест, толпа, интернет, социальная сеть, общественное мнение, политико-социальная ситуация, политика.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси тараққийнинг янги даврига қадам қўйиши жамиятда чуқур трансформацион жараёнларни бошлаб берди, бундай вазият мавжуд институционал ва ижтимоий тизимлар фаолиятига объектив таъсир қилди. Ахборот коммуникациялари, компьютер технологияларининг жадал ривожланиши фуқаролик жамияти тараққийида сифат даражаси ошишига олиб келди.

Бундай воқелик тараққийидаги янги босқич глобаллашув ва ахборотлашган жамият шаклланиши муносабати билан вужудга келадиган ижтимоий, иқтисодий йўналишдаги муаммолар моҳияти ва мазмунини англаш заруриятини вужудга келтирди. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашуви шароитида илмий техник тараққийи бевосита глобал компьютер тизими, глобал интернет тармоғидаги миллий сегмент сайтлари жадал ривожига жараёнига боғлиқ.

Шунингдек, ушбу жараён, ўз навбатида, ижтимоий тизимдаги, унинг турли соҳаларидаги чуқур ислохотлар, инновацион мазмундаги ўзгаришлар моҳиятини, амалиётдаги ўрнини англатади. Фуқаролик жамияти ривожининг ҳозирги даври коммуникация соҳасида муҳим инқилобий ўзгаришларни ўз бошидан кечирмоқда, инсон фаолиятида кибер интернетнинг ахборот воситаси сифатидаги ижтимоий аҳамияти ошиб бормоқда, ушбу жараёнда интернет олами коммуникацияси компьютерлаштириши асосий, етакчи ўринни эгаллайди. Глобаллашув даврида глобал интернет тармоғининг такомиллашган ахборот алмашув воситаси сифатидаги расмий ва норасмий коммуникатив ахборот тизимидаги ўрни ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамоатчилик вакилларининг кибер интернет тармоғидаги расмий сайтларда жойлаштирилган маълумотлардан ўз фаолиятида самарали фойдаланиши натижасида инсон ўзининг ижтимоий, иқтисодий фаолияти, маънавий, шахсий талабларини қондириши учун чегараланмаган имконият, аудиторияга эга бўлди.

Таъкидлаш лозимки, янги тараққийи босқичи даврида глобал компьютер тармоғининг жадал ривожланиши, унинг аудиторияси тобора кенгайиш жараёни кузатилмоқда. **1995 йилда** жаҳонда интернетдан фойдаланувчилар сони **10 миллион** бўлган бўлса, **2005 йилга** келиб улар сони **1 млрд.дан** ошиб кетган. Бундай жадал ўсиш натижасида глобал интернет инсон фаолиятида универсал ижтимоий коммуникация ролини бажармоқда. Глобал интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони **2010 йилда 1 млрд. 966 млн.** кишини ташкил қилди.

Бугунги кунга келиб, дунёда интернетдан фойдаланувчилар сони **12,5 баробарга** ошиб, **4,54 миллиард** кишига етди (дунё аҳолисининг 59%), мобил алоқа абонентлари сони эса **16 баробарга** ошиб, **5,19 миллиард**ни ташкил этди (дунё аҳолисининг 67%).

Интернет фойдаланувчиларининг **48,2 %** (3,56 млрд. киши) **Осиё, 18 %** (1,33 млрд. киши) **Европа, 10,2 %** (754 млн. киши) **Жанубий Америка, 9,3 %** (687 млн. киши) **Шимолий Америка** қитъаларига тўғри келади.

Жаҳон веб-аудиториясининг **45 %**ини **25 ёшгача** бўлган шахслар ташкил этади. Марказ ўсмирларнинг Мазкур ўсмирларнинг **68 %** ҳар куни кимгадир **SMS-хабар** жўнатади, **51 %** ижтимоий тармоқларга киради, **30 %** электрон почтадан фойдаланилади.

Айни вақтда виртуал оламда **1 млрд.**дан ортиқ интернет сайтлар мавжуд бўлиб, ҳар оидиўртача **201,4 трлн. видеоролик** кўриб чиқилади, ҳар куни **144 млрд.** электрон мактуб жўнатилади¹.

Жаҳон интернет тармоғининг бошқа оммавий ахборот воситаларидан муҳим фарқи, унинг саҳифаларида фақат профессионал журналистлардан ташқари, бошқа соҳа вакиллари, профессионал ҳисобланмаган коммуникаторлар, махсус маълумотга эга бўлмаган шахслар ҳам иштирок этади.

Касби журналист бўлмаган шахслар интернет тармоғидаги расмий ва норасмий сайтлардаги иштироки билан жамоатчилик вакиллари фикрини билдиради, катта ҳажмдаги интернет аудиториядаги ижтимоий фикр шаклланишига муайян даражада таъсир ўтказади, бу жараён инсонлар орасидаги фикр алмашув натижасида интернет тармоғидаги норасмий сайтларда ахлоқий чегарадан чиқиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Шу билан биргаликда, жаҳон интернет тармоғи каналларидаги ахборот ҳажми ошиб кетганлиги, кўпайганлиги натижасида ушбу ахборотларнинг сифати пасайди. Бизнинг фикримизча, бунинг асосий сабаби, норасмий сайтлардаги интернет мақолалари муаллифлари томонидан асосланмаган, чуқур таҳлил қилинмаган маълумотларни тайёрлаш билан чегараланиб, фақат ахборотни жаҳон интернет тармоғига узатишга бўлган шахсий иштиёқнинг мавжудлиги билан белгиланади. Демак, бундай воқелик жиддий ва мураккаб ижтимоий муаммо мавжудлигидан далолат беради.

Ушбу жараён глобал тармоқнинг инновацион коммуникатив потенциали билан, яъни интернет аудиториясининг фаол қисми томонидан билдирилган фикрлар, иккинчи томондан, интернет тармоғини ижтимоий бошқарув мониторинги амалиёти механизмларидаги камчиликларда намоён бўлади. Глобал компьютер тизимидаги норасмий сайтларда салбий мазмундаги ахборотлар ҳажмининг кўпайиши, ахборотларни назорат қилиш имконининг йўқлиги, интернетга нисбатан ахборот хавфсизлигига қарши манба сифатидаги ижтимоий фикрни шакллантиради.

Таъкидлаш лозимки, интернет тармоғида турфа ахборотлар жойлаштирилиши, жумладан, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бўрттириб кўрсатиш орқали амалдаги ҳукуматни обрўсизлантириш, диний ва этник адоватларни келтириб чиқарувчи, шунингдек маънавий қашшоқлик, ахлоқий тубанликни тарғиб қиладиган материаллар ҳам мавжуд.

XXI аср бошидаги геосиёсий қарама-қаршилиқлар доираси кенгайганлиги тасдиқлайдики, интернет тармоғида, айниқса, норасмий сайтларда рангли инқилоблар ва оммавий норозилик намоёишлари тарғиб қилиш, амалдаги ҳукуматга нисбатан агрессив мазмундаги

¹ <https://www.web-canape.ru/business/statistika-interneta-i-socsetej-na-2023-god-cifry-i-trendy-v-mire-i-v-rossii/>.

ахборотларни ёшлар аудиториясига тақдим этиш, ахборот терроризмини мадҳ қилиш ҳолатлари кучайиб бормоқда².

Жаҳон тажрибасида оммавий норозилик ҳаракатларини таҳлил қилган социолог олимлар таъкидлашларидек, ранли инқилобларни ташкиллаштириш билан боғлиқ жараёнларнинг амалиётда намоиш этилиши, интернетга жойлаштирилган салбий мазмундаги ахборотлар орқали, норози кайфиятдаги шахслар ўзларининг сафларига ёшларни жалб қилиб, жангарилик, босқинчилик, инсон ҳуқуқларини паймол қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шунинг учун ҳам кибер интернет тармоғи ҳозирги жамият учун ахборот хавфсизлигига раҳна солаётган восита, минбар, салбий омил сифатида қабул қилиниши мумкин.

Интернет одамлар онги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, хулқ – атворларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. Интернетнинг бугунги кундаги ривожига ғоявий таъсир ўтказишининг миқёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келди.

Дунё турли соҳаларда ўзгариб, илм олиш, касб-кор билан шуғулланиш инсонларнинг ўзаро мулоқот ва фикр алмашинувида ҳам янгидан янги ўзгаришлар бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Интернет, уяли телефон, ижтимоий тармоқ орқали мулоқот ва ахборот алмашинувида хизмат қилувчи Фейсбук, Инстаграм, Ютуб, Телеграм каби дастурлар шулар жумласидадир.

Илм-фаннинг ютуғи бўлмиш бу янгиликлар инсонларнинг узоғини яқин, мушкулани осон қилатгани шубҳасиз. Шу билан бирга, бу кашфиётлар олис масофадан туриб илм олиш, дунё янгиликларидан бир зумда воқиф бўлиш ва муаммоларни осон тарқатиш имконини ҳам беради.

Аваллари фақатгина сўзлашувлар учун ишлатишган телефондан бугун интернет, товушли алоқа ва маълумотлар узатиш каби турли қўшимча хизматлардан фойдаланиш, видеотелефония ва ҳатто телекўрсатув кўриш имкони бор.

Интернет орқали амалга ошириладиган ва катта маблағ талаб қилмайдиган ғоявий ва таъйиқнинг ўзига хослиги шундаки, у ўқувчи, тинловчи ёки томошабинга сездирилмасдан амалга оширилади ва бевосита қурбонларни келтириб чиқармайди. Ахборот уруши душманни йўқ қилмаган, катта харажат чиқармайди. Ахборот уруши душманни йўқ қилмаган, катта харажатни талаб қилмаган ҳолда, юқори самара беради³.

Бунда ғоявий таъсир йўналтирилган мамлакатлар аҳолисининг хоҳиш-истаклари, менталитети, мавжуд муаммолари жиддий ўрганилган ҳолда, асосий диққат кишилар онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатишга, шаклланган кадриятларни ўзгартиришга, уларнинг регуляторлик ролини камайтиришга ёки бутунлай йўққа чиқаришга қаратилади.

Бундай интернет сайтлари **тўсатдан пайдо бўлади, вақт ўтгач йўқолади**, мазмунини ўзгартирмаган ҳолда, тез-тез **номланиши ва доменини ўзгартириб туради**. Интернет қуйидагилар билан террористлар учун **қулай ҳисобланади**:

- интернетга киришнинг осонлиги;
- фойдаланувчилар сонини кўплиги;
- алоқанинг анонимлиги;

² G'affarova G., Abdullaev A. Axborotlashgan jamiyatda ma'naviy hayotning o'ziga xos xususiyatlari. – Toshkent. 2022. - B. 236.

³ Белинская Е.П. Язык Интернет-коммуникации и социолнгвистическая ситуация современности. – Тошкент. 2011. - С. 6.

- ташқаридан бошқариш ва таҳрир қилиш чеклангани;
- ахборотлар қисқа муддатда кенг маконда тез тарқалиши;
- фаолият сарф-харашатларнинг бир неча баробар камлиги⁴.

Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

Оммавий норозилик намоёишларининг ташкилотчилари интернетдаги сайтларида ташкилотнинг мақсади, тарихи ҳамда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мазмундаги маълумотларга кенг ўрин берилади.

Жумладан, ташкилотчилар гўёки муаммони ҳал этиш йўли фақатгина тинч оммавий норозилик ҳаракатларини ўтказиш орқали ҳал бўлишини, шу сабабли ушбу ҳаракатларни маънавий ва ахлоқий жихатдан оқлашга интилишади. Бунда ўзларини “озодлик курашчиси”, “партизан”, “қаршилиқ кўрсатувчи” деб атаб, тинчлик тарафдори қилиб кўрсатишга ва улар билан курашда ҳукумат тинч йўл билан ҳаракат қилиш лозимлигини асослашга интилиш кенг тарқалган. Улар сайтларда амалдаги ҳукумат томонидан олиб борилаётган сиёсат, аҳолига нисбатан адолатсиз эканлигини ёритишга ҳам алоҳида эътибор берадилар.

Тезкор ахборотлар, янгиликларнинг бир вақтнинг ўзида бир неча тилда ва намоёиш иштирокчилари учун фойдали бўлган йўналишда бериб борилиши, уларнинг фаолиятни оқловчи, “қаҳрамонлигини” куйловчи қўшиқлар, клиплар берилиши бундай сайтларнинг мафкуравий ҳамда эмоционал таъсир қувватини оширишга хизмат қилади.

Бундай сайтлар, бир томондан, норозилик намоёиши фаол аъзоларига, иккинчи томондан, иштирокчиларнинг асл мақсад муддаоларини билмайдиган, уларни “курашчилар”, “муҳолифат” ва шу каби ижобий мақом ҳамда сифатда қабул қилишга ўрганган одамларга мўлжалланган. Улардан жамиятда тегишли ижтимоий фикрни шакллантириш ва қарама-қарши (душман) томонга психологик таъсир кўрсатиш, қўрқув, ваҳима тарқатиш орқали ички иккиланишни келтириб чиқаришдек мақсадлар кўзланади.

Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинхона кўринишидаги таъсирига бардош бериши амримаҳол.

Илк бор ижтимоий тармоқлар ва интернет фойдаланган ҳолда йирик оммавий норозилик ҳаракатлари 2011 йилда “Араб баҳори” воқеалари бўлди. Ушбу қатор норозилик намоёишлари яқин Шарқ ва Шимолий Африка бўйлаб турқалди.

Халқаро таҳлилчилар “Араб баҳори” норозилик ҳаракатини шакллантиришда ижтимоий тармоқнинг аҳамияти тўғрисида келишмовчиликларга дуч келишмоқда. Бироқ, уларнинг ҳеч бири интернет тармоғи норозилик ҳаракатларининг ривожланишида муҳим омил бўлганини инкор этмайди.

⁴ Белинская Е.П. Язык Интернет-коммуникации и социолнгвистическая ситуация современности. – Тошкент. 2011. - С. 23.

Баъзи оммавий ахборот воситалари “Араб бахори” инқилобини “Твиттер инқилоби” дею аташади⁵.

2013 йилда Украина (Евромайдан) давлатининг аксарият худудларида аҳоли амалдаги ҳукуматнинг олиб борган сиёсатидан норози бўлиб, айрим ташқи кучларнинг провокацион ҳаракатлари таъсирига тушиб, мамлакатда оммавий тартибсизликлар уюштирилиши оқибатида, амалдаги Президент В.Янукович мамлакатни тарк этишига олиб келган.

Бундан ташқари, ушбу услубдаги амалий ҳаракатлар **2013 йилда Россия Федерацияси, 2020 йилда Белорусияда, 2022 йилда Қозоғистонда ҳам** кузатилган.

Юртимиздаги кечаётган жараёнларни кескин ва ноҳолис талқин қилувчи, бўхтон, тухмат ва ғийбат билан тўлиб-тошган материалларни ўқиётган юртдошларимиз юкоридаги маълумотлардан тўғри хулоса чиқарадилар деб умид қиламиз албатта.

Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур.

Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин. Бу шароитда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун виртуал оламда ҳам фаол ҳаракатлар олиб бориш зарур.

Энг аввало ғараз мақсадда амалга оширилаётган ташқи ғоявий таъсирлар, мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришларга ҳолис ёндашув байроғи остида берилаётган бир ёқлама ахборотлар ва баҳоларнинг олдини олиш, уларга қарши объектив маълумотларни кишиларга тезкор, тизимли ва тадрижий етказиб бериш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Бугун ахборот ҳам истеъмол қилинадиган товарга айланган экан, ҳар бир инсон ўзида уни истеъмол қилиш маданиятини тарбиялаши лозим. Ёшлар шахсий характердаги ахборот химояси бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши, ўзи фойдаланаётган салбий ахборотлардан химоялана олиши зарур⁶.

Ахборот истеъмоли маданияти, энг умумий маънода, ахборот оқимидан инсон манфаатлари, камолоти ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилувчи маълумотларни қабул қилиш, саралаш, тушуниш ва талқин этишга хизмат қиладиган билимлар, қобилият ва малака тизимини англатади.

Инсон ўзида бундай маданиятни тарбиялаши учун у ёки бу ахборотни эшитар экан, ҳеч бўлмаганда “Бу ахборотни ким узатапти?”, “Нима учун узатапти!” ва “Қандай мақсадда узатапти?” деган саволларни ўз-ўзига бериши, унга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши керак.

Шундагина турли ғоялар таъсирига тушиб қолиш, тақдим этилаётган маълумотларга кўр-кўрона эргашишнинг олди олинади. Шаклланган ахборот истеъмоли маданияти миллий манфаатларимиз ва қадириятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларга нисбатан ўзига хос қалқон ролини ўтайди, шахс дунёқараши ва хулқидаги собитликни таъминлашга хизмат қилади.

⁵ Долгов Б.В. Феномен «Арабской веснь» 2011--2016 гг.: Причины, развитие, перспективы: Тунис, Египет, Ливия, Сирия, Алжир.М., 2021. – Б. 125-126.

⁶ Патрикеева Э.Г. Влияние виртуального пространства сети Интернет на жизненные ценности современной молодежи. М., 2015, - С. 53-55;

Ёш авлодда бу жиҳатлар шу даражада шаклланган ва қарор топган бўлиши лозимки, улар виртуал маконда умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Фақат шундагина, глобаллашув жараёнларида ёшларнинг маълумотларга кўр-кўрона эргашиш, уларни нотўғри талқин қилишининг олди олинади. Ахборот истеъмоли маданиятига эга ёшлар, салбий ва ноҳолис ахборотлар таъсирга тушиб колмайди, чунки уларда бундай ахборотларга нисбатан мустахкам мафкуравий иммунитет шаклланади.

“Кимки ахборотга эга бўлса, у, дунёга эгалик қилади”,- деган фикр бугунги кунда барча томонидан эътироф этилган. Шундай экан, бугунги кунда ёшларда ахборот олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш малакасини шакллантириш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга⁷.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, куйидаги йўналишлар бўйича фаолиятни янада ривожлантириш келгусида жамиятимиз олдида турган **муҳим ва устувор вазифалардан** эканини таъкидлаш зарур:

- ёшларнинг ахборот муҳитидаги ижтимоий онгини мониторинг қилиш тизимини шакллантириш;
- ўсиб келаётган авлоднинг медиа-саводхонлигини мунтазам ошириб бориш;
- виртуал ахборот худудида ёшларнинг устувор нуқтаи-назарлари ва физифишларини мунтазам ўрганиш;
- келажак авлоднинг маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказувчи ахборотдан аҳолини ҳимоя қилиш;
- ёшларни маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи “**оммавий маданият**” таҳдиди ва ёт оқимларнинг ҳақиқий моҳиятини фош этувчи маълумотларни етказиш тизимини йўлга қўйиш.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, бугунги ҳаётни интернетсиз ва тармоқдаги алоқасиз таъсавур қилиш имкони йўқ бўлиб бормоқда. Интернет кундалик ҳаётимизнинг барча жабхаларига тобора мустаҳкамланиб бораётган, техник ҳодисанинг ажралмас ва ўта муҳим таркибий қисми ҳисобланмоқда.

Албатта, аҳолимизнинг ижтимоий тармоқларда мутлоқа нотаниш шахслар билан танишишга уринаётгани ташвишли ҳолат. Бу эса жамиятда илмсизлик жоҳилликнинг, ахлоқсизликни томир ёйилишига ҳамда аҳоли онги ва маданиятига салбий таъсир қилади. Шу сабабли, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, интернет тармоғидаги тарқаладиган асосланмаган маълумотларни қабул қилишга ва ушбу асосида хулоса қилишга шошқалоқликка йўл қўймаслик ҳар бир фуқаронинг рад қилиб бўлмас бурчи бўлиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Quronov M., Qodirov A., Akramova Sh. Yoshlarda mafkuraviy immunitetni shakllantirish. – Toshkent. 2018. - B. 89..

⁷ Quronov M., Qodirov A., Akramova Sh. Yoshlarda mafkuraviy immunitetni shakllantirish. – Toshkent. 2018. - B. 89.

3. Патрикеева Э.Г. Влияние виртуального пространства сети Интернет на жизненные ценности современной молодежи. М., 2015, - С. 53-55;
4. Долгов Б.В. Феномен «Арабской весны» 2011--2016 гг.: Причины, развитие, перспективы: Тунис, Египет, Ливия, Сирия, Алжир. М., 2021. – Б. 125-126.
5. Белинская Е.П. Язык Интернет-коммуникации и социолингвистическая ситуация современности. – Тошкент. 2011. - С. 6.
6. Белинская Е.П. Язык Интернет-коммуникации и социолингвистическая ситуация современности. – Тошкент. 2011. - С. 23. G. Lebon. Psychologie der Massen. Stuttgart, 1982.
7. Вдовиченко К.Г. Понятие массовых беспорядков // Современные проблемы уголовной политики: материалы V Междунар. науч.-практ. конф., 3 окт. 2014 г.: в 3 т. / под ред. А.Н. Ильяшенко. – Краснодар: Краснодарский университет МВД России, 2014.
8. Джинджолия Р.С. Унификация оценочных признаков при квалификации преступлений против личности: Монография / Под ред. проф. А.А. Магомедова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2004.